

## **МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМДА “АФСОНА ВА РИВОЯТЛАР” МОДУЛИНИ ЎРГАНИШ МАВЗУСИНИ ЎТИШГА ДОИР ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР**

**М.Н.Қодирова**

Тошкент давлат педагогика университети  
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

**А.А.Усмонқулов**

Тошкент давлат педагогика университети талабаси

**Аннотация.** Ушбу мақолада масофавий таълимда “Афсона ва ривоятлар” модулини ўрганиш мавзусини ўтишга доир интерфаол методлар ҳақида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** масофавий таълим, фольклор, онлайн, афсона, ривоят, инновация, педагогик технологиялар, метод, мустақил таълим, платформа.

## **ИНТЕРАКТИВНЫЕ МЕТОДЫ ИЗУЧЕНИЯ ТЕМЫ МОДУЛЯ «ЛЕГЕНДЫ И ПОВЕСТИ» В ДИСТАНЦИОННОМ ОБУЧЕНИИ**

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются интерактивные методы по изучению модуля «Мифы и легенды» в дистанционном обучении.

**Ключевые слова:** дистанционное обучение, фольклор, онлайн, миф, легенда, инновации, педагогические технологии, метод, самостоятельное обучение, платформа.

## **INTERACTIVE METHODS FOR STUDYING THE THEMATIC MODULE “LEGENDS AND STORIES” AND DISTANCE LEARNING**

**Annotation:** This article discusses interactive methods for studying the module "Myths and Legends" in distance learning

**Keywords:** distance learning, folklore, online, legend, innovation, pedagogical technology, method, independent learning, platform.

Ўзбек фольклори фанидан “Афсона ва ривоятлар” модулини ўргатиш жараёни тарих фани билан узвий боғлиқликда олиб борилади. Чунки афсонада ҳаёт воқелиги ҳаёлий, ривоятда эса ҳаётгий уйдирма асосида талқин этилган бўлади.

Фольклор фани таркибида афсона ва ривоятларни ўргатишдан кўзланган мақсад шуки, аввало, уларнинг сўз санъатига асосланган оғзаки эпик жанрлар эканлигини, ўзида халқ ҳаётининг ижтимоий, маиший, маданий қирраларини асрлар давомида бадиий ифодалаб келаётганини, аجدодларимизнинг ватан эрки ва мустақиллиги, ободлиги учун курашлари тарихини, миллий туйғуларни акс эттиришини талабаларга аниқлашдан иборат. Шу мақсад асосида ўқитувчи масофадан туриб талабалар билан онлайн мулоқотга киришар экан, афсона ва ривоятнинг фақат фольклор жанри эканлигини, улар оғзаки яратилганини, ёзма адабиётда бундай жанрлар мавжуд эмаслигини, фақат баъзан шоир, адиб ва драматурглар ўз асарида бирор-бир тарихий ёки маиший афсона ва ривоятни синтезлаштириши мумкинлигини тушунтиради. Шунингдек, афсона ва ривоят фольклорнинг алоҳида-алоҳида жанри эканлигини, уларнинг уйдирма турига қараб ўзаро фарқлигини очиқ беради. Мана шу вазифани бажараётганда эса қуйидаги кўرғазмадан фойдаланиш мумкин:

### Афсона ва ривоят жанрларига хос ўхшаш ва фарқли жиҳатлар

#### Афсона

Фольклорнинг алоҳида, мустақил эпик жанри. Сюжетида афсонавий, мифологик образлар ва мотивлар учрайди. Воқелик талқини ҳаёлий уйдирмага асосланади. Сюжетида мўъжизавийлик муҳим ўрин тутди. Реал, тарихий шахслар образи ҳаёлий, мик тасвирлар билан ёнма-ён тасвирланади. Сюжети насрий баёнга асосланади.

#### Ўхшаш хусусиятлар и

Фольклорнинг алоҳида, мустақил эпик жанри. Ҳажми қисқа. Реал, тарихий шахслар образи тасвирланади.

#### Ривоят

Фольклорнинг алоҳида, мустақил эпик жанри. Воқелик талқини ҳаётгий уйдирмага асосланади. Реал, тарихий шахслар образи тасвирланади. Сюжети насрий баёнга асосланади.

Шундан сўнг ҳаёт ҳақиқати ва бадий тўқима, ҳаётӣ ва ҳаёлий уйдирма нима эканлиги ҳақида тушунча бериб, бу ҳодисаларнинг моҳиятини англаш лозим. Токи, талабалар афсона ва ривоятларнинг ўзбек халқ оғзаки ижоди жанрлари тизимида тутган ўрнини, аҳамиятини, сўз санъати намуналаридан эканини ҳис қилиши керак. Ҳар бир талаба миллий ўзликини англашда қадриятларимиздан саналган афсона ва ривоятларнинг ўрнини тушуниши лозим.


Афсона ва ривоятларга хос жанрий хусусиятлар ҳақида мукамал маълумотга эга бўлиш, уларни бир-биридан фарқлаш, мисоллар асосида улар ҳақида мустақил фикр юритишга эришмоқ шарт.

Профессор-ўқитувчи ва талаба ўртасидаги алоқа телеграмм ёки электрон почта орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Телефон орқали баҳо масаласи муҳокама қилинмайди.

Маъруза қисмларини тузишда қуйидагиларга эътибор бериш, бизнингча, мақсадга мувофиқ бўлади: а) мавзу билан таништириш; б) мавзунини асослаш, яъни мавзу қўйилишининг сабаби ва аҳамиятини тушунтириш; в) маърузани мантиқий боғлиқлик асосида олиб бориш; г) маърузани яқунлаш.

Маърузанинг мантиқий боғлиқлигини таъминлаш учун эса афсона ва ривоятлар ҳақидаги маълумотларни мантиқий кетма-кетликда бериш керак. Бунда дастлаб афсона, кейин ривоят тушунтирилгани маъқул. Шунингдек, миф, эртак, нақл билан ҳам уларни чоғиштириш фойдадан холи эмас. сабаби, уларнинг композицион қурилишида, образлар таркибида, ифода услубида ўзига хос баъзи яқинликлар борлиги маълум.

Бунда дарсни ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиб ташкил этишда ўқитувчи қуйидаги каби кўргазмалардан фойдаланиши мумкин:



**ФСМУ методига асосланган топшириқ:** Юқоридаги жадвалга таяниб, ривоятнинг мавзусига кўра турланишини шундай тартибда жадваллаштиринг. Сўнгра ўз нуқтаи назарингизни баён этинг. Фикрларингизни асослаш учун мисоллар келтиринг. Аниқ хулосалар чиқаринг.

**“Чалкаштирилган мантиқий занжирлар кетма-кетлиги” методига асосланган топшириқ.** Бундай методлар, одатда, талабалар билан индивидуал онлайн ишлашни ташкил этиш учун қулайдир.

Эпик жанрларни таснифланг ва қуйидаги жадвалга жойлаштиринг.

Эпик жанрлар	Лирик жанрлар	Драматик жанрлар

1. Аския. 2. Қўшиқ. 3. Эртақ. 4. Нақл. 5. Лоф. 6. Ривоят. 7. Достон. 8. Мақол. 9. Топишмоқ. 10. Олқиш. 11. Қарғиш. 12. Терма. 13. Латифа. 14. Алла.

Демак, юқоридаги “Чалкаштирилган мантиқий занжирлар кетма-кетлиги” методи орқали ўзбек фольклорининг жанрлар тизими ва таркибини, унда халқ афсона ва ривоятларининг ўрнини аниқлаш, белгилаб кўрсатиш мумкин. Бунинг учун эса халқ оғзаки ижоди намуналари бўйича маълумотларнинг интернет тармоғида кенгроқ жойлаштирилиши улардан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

1. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. – Тошкент: Фан, 2009. – 145 б.
2. Андреев А.А. Дидактические основы дистанционного обучения в высших учебных заведениях: дисс... док. пед. наук. – М., 1999. – 289 с.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги қонун”ини. 16-модда. – 2020 йил 7 август.

<http://hudud24.uz/masofaviy-talimning-afzalligi-bu-tizimning-dunyoda-keng-ommalashishiga-sabab-nima/>